

БХСРда миллий масала ва демографик жараёнлар

**Раҳмонов К.Ж.-БухДУ, ГФФ,
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.**

1920 йилнинг 2 сентябрида Бухоро амирлиги тугатилганидан сўнг унинг ўрнида Бухоро Халқ Республикаси номи билан аталувчи янги ҳукумат ташкил топди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги мазкур ҳукумат амирлик давридаги миллий, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўрнига янгича бўлинишни жорий қилди. Маълумки, амирлик даврида вилоятлар бекликларга бўлинган бўлиб, уларнинг ўрнига вилоят, туман, кент, амлок ва қишлоқлар каби ҳудудий бўлинмалар жорий қилинди.

Бухоро амирлигида XX асрнинг бошларида 2,5-3 млн. атрофида аҳоли истиқомат қилиши билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Мазкур масаладаги маълумотларнинг аниқ эмаслиги амирлик ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаганлиги туфайлидир. Бундай тахминий рақамлар баёни БХСР тарихига оид манба ва китобларда ҳам сақланиб қолган. Ўша давр матбуотининг маълумотича, республиканинг 9 та вилоят, 41 туман, 132 кентда аҳоли сони 3,5, 4, ҳатто 5 млн. атрофида эканлиги қайд қилинади. 1923 йил кузида республиканинг 5 та округ, 48 та туман, 195 та кентда аҳоли сони қуйидагича бўлганлиги архив ҳужжатларида баён қилинган: Зарафшон округида 800.000, Шарқий Бухоро округида 600.000, Қашқадарё округида 450.000, Туркман округида 350.000, Сурхондарё округида 300.000 киши атрофида аҳоли истиқомат қилган¹. Юқоридаги маълумотдан аниқ бўладики, БХСРнинг 2 округи: Зарафшон ва Шарқий Бухоро округларида аҳоли сони нисбатан кўп бўлган. Республика ҳудуди амирликдан мерос бўлиб қолган Ғарбий Бухоро, Жанубий Ўзбекистон, Шарқий Бухоро, ҳозирги Туркменистон Республикасининг Чоржўй ва Карки вилоятлари билан чегараланган. БХСР аҳолисининг миллий таркиби ўзбеклар, тожиклар,

¹ ЎЗРМДА. 48-фонд, 1-рўйхат, 275- ҳужжат, 51, 52-варақлар.

туркманлар, козоқлар, қарақалпоқлар ҳамда оз сонли европа миллати вакилларида иборат бўлган. Бундан ташқари мамлакатда афғон, ҳинд, яҳудий, форс, хитой миллатига мансуб кишилар ҳам истиқомат қилган. Аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлиб, шу билан биргаликда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланувчилар салмоқли ғоизни ташкил қилган. Масалан, туркманларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, ушбу тармоқнинг қорамолчилик ва қорақўл қуйлар боқиш соҳалари кенг ривожланган. Бухорода 1918-1920 йилларда 1млн. 800 минг-2 млн. атрофида қорақўл терилари етиштирилган². 1920 йилларда қорақўл териларининг нархи 6 олтин сўмдан 8 олтин сўмгача баҳоланган³. Республикада барча миллатларнинг тенглиги, уларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар қўрилган. Жумладан, асосан тожиклар истиқомат қиладиган Ҳисор, Кўлоб, Ғарм вилоятларида, Туркман вилоятлари (Чоржўй, Карки)да саводсизликни битириш курслари, бошланғич мактаблар, қизлар мактаблари очилди. Ҳатто, республикадаги 2 та педогогика билим юртидан биттаси Чоржўй шаҳрида очилган эди.

Амирлик тартиби ағдарилган даврда ўзлари яшаб турган жойларини ташлаб Афғонистонга ўтиб кетган 35 минг оила туркманларни ўз чорва моллари билан БХСРга қайтариш, уларни озиқ-овқат, ер-мулк билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1922-1923 йилларда Афғонистондан қайтган туркман қочоқларига 500 ҳўкиз, 1000 пуд мош, 4000 пуд кунжут, 5000 пуд жўхори, 10.000 пуд буғдой берилди⁴,-деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида.

БХСР ҳукумати ва унинг сиёсий етакчилари республика ҳудудидаги маҳаллий, вилоят, туман ва марказий бошқарув идораларига мумкин қадар турли миллат вакиллариини жалб қилиш йўлини тутганлар. БХСР йилларида 5 марта ўтказилган халқ қурултойлари материаллари билан танишар эканмиз,

² Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июл.

³ Озод Бухоро. 58-сон. 1924 йил 6 март.

⁴ Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр.

бу борадаги фикримиз янада ойдинлашади. Бундан ташқари ҳукуматнинг 1-раҳбари Ф.Хўжаев туркман, қирғиз (қозоқ) ва тожик миллати вакилларининг курултойларида бу масалани қайта-қайта кун тартибига қўйган. Ҳукумат раҳбарининг 1923 йил октябр ойида қилинган нутқларидан бирида: “Давлат тузилишимизни ерлаштиришимизга, жумҳуриятимизда яшовчи майда миллат ва қабилаларнинг ҳуқуқларини қозонмоғимизга тўғри келур”,⁵-деб таъкидланган эди. Ф.Хўжаев фикрича иқтисодиёт, солиқ идоралари, маориф ва халқ саломатлиги соҳасига европалик мутахассисларни жалб қилиш тажрибасидан фойдаланиш мамлакат моддий ва маънавий салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

Республикадаги бошқарувнинг турли миллат аъзоларидан иборат кадрлар билан таъминлаш-маҳаллий миллат ҳуқуқлари ва ваколатларини пасайтирмаслигига алоҳида эътибор қаратилган. Давлат идораларида ўзбек тилида мулоқот қилиш, ерли аҳолининг тилида расмий ҳужжатларни юритишга амал қилинган. Миллий бирлик ва ўзликни мустаҳкамлашда давлат тилининг аҳамияти, мавқеи ва ўрни ўша давр матбуотида ўзининг аксини топган.

БХСР мавжуд бўлиб турган 4 йиллик тарихий босқич мислсиз қуролли тўқнашувлар, ечилиши қийин бўлган ички ва ташқи муаммолар гирдобида қолган эди. Бундан ташқари “Марказ”нинг зўравонлик сиёсати, замонавий мутахассисларга бўлган муҳтожлик мамлакатни ривожлантиришга катта тўсиқлар қўйган эди. Шу сабабли БХСР даврида барча миллатларнинг турмуш даражаси пастлигича қолиб кетди. Ҳукумат ва унинг раҳбарлари режаларида миллатлар тотувлиги ва бирлигига асосланган, турли халқлар ҳамжиҳатликда, моддий фаровонликда яшайдиган миллий давлат барпо қилишдек улуғ орзу ва истаклар мужассамлашган эди. Афсуски, мураккаб тарихий вазият ва ташқи таъсирлар туфайли ушбу олий истаклар амалга ошмади.

⁵ Қаранг. Бухоро ахбори. 212-сон. 1923 йил 23 октябр.